




МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА УЛКАН ЛОЙИҲАГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни Олмалиқ кон-металлургия комбинати конлари негизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Ешлик-1” конини бориб кўрди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ ва ерости конлари, ме-

таллургия ва цемент заводлари, кенг қамровли инфратузилма объектларини бирлаштирган улкан sanoat majmuasidir. Мамлакатимизда ишлаб

чиқарилаётган sanoat mahsulotining 7 foizi, eksport hajmining 15 foizi mazkur kombinat tufri hissasiga tufri keladi. Oxirgi yillardagi etyibor



натijasida yangi konlar topilib, ishlab chiqarish hajmi yanada oshirilmoqda.

“Ешлик-1” конини ўзлаштириш инвестиция loyihasi shulardan biri. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги qaroriga muvofiq boshlangan usbu loyixaning qiymati 4 milliard 894 million dollar.

Давлатимиз раҳбарига коннинг

salohiyati, uni uzlashtirish buyicha qilingan ishlar haqida ma'lumot beriladi.

Худуди 11 минг гектар бўлган мазкур кондан йилга 65 миллион тонна маъдан қазиб олинади. 60 миллион тонна мис-молибден рудасини қайта ишлаш қувватига эга 3-мис бойитиш фабрикаси қурилади. Шунингдек, оҳак заводи, 650 мегаваттлик электр тармоғи ва бошқа ин-

фратузилма объектлари барпо этилади.

Лойиҳа доирасида ўтган тўрт йилда замонавий геологик тадқиқотлар, қанда 83 миллион куб метрдан ортиқ ҳажмдаги қазил ишлари бажарилган. Бунинг учун умумий қиймати 415 миллион доллар бўлган 570 дан зиёд махсус техника жалб этилган.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ “ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХУДУДИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясида белгиланган устувор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, Оролбўйи минтақасини экологик ва гуманитар инқироз юз бераётган худуддан экологик инновациялар ва технологиялар худудига айлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюцияси (кейинги ўринларда — махсус резолюция) қабул қилинган.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг махсус резолюцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худудига айлантириш мақсадида қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

а) Оролбўйи минтақасида сиёсий-ҳуқуқий инновациялар орқали таркибий ва трансформацион ўзгаришлар учун қулай муҳит яратиш ҳамда институционал базани ривожлантириш (масъул — Инновацион ривожланиш вазирлиги).

б) Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланишни рақамлаштириш ва инновацион ёндашувларни амалга ошириш (масъул — Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси).

в) Оролбўйи минтақасида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини қўллаб-қувватлашнинг инновацион технологиялари ҳамда механизмларини жорий қилиш (масъул — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги).

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг биринчи ўринбосари И.Норкулов:

▶ Давоми 2-бетда

30 ИЮЛЬ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тутувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш масаласи ҳам устувор вазифа этиб белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари Конституция ҳамда қонунларимизда қайд этилган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида, илм-фан, маданият, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб келяпти. Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносади ҳисса қўшмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ОЛМАЛИҚ: ҲАР КУНИ БИР ЯНГИЛИК, ҲАР КУНИ БИР ЯХШИЛИК

Олмалиқ деганда, ҳар қандай кишининг кўз ўнгидан азим тоғлар бағридаги навқирон ва замонавий, ҳар томонлама салоҳиятли sanoat shaxri gavalanadi. Илмий адабиётларда Олмалиқ номи XIII асрдан бошлаб қайд этилган. Қадимда Олмалиқ Имлоқ вилоятининг пойтахти ҳисобланган. Шаҳар муҳофаза де-

ворлари билан ўралган. Саройда зарбхона бўлган, темир, мис ва бошқа нодир металллар қайта ишланган. Сопол ва шиша идишлари тайёрланган.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати Ўзбекистон Республикасида энг йирик корхоналардан

бири. 70 йиллик тарихга эга комбинат мис, молибден, рух, қўрғошин ва оптик таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича етакчи корхона. У нафақат Марказий Осиёдаги, балки мис маҳсулотларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та энг йирик корхона сафидан жой олган.

Комбинатнинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 50 га яқин таркибий бўлинмаси бор. Уларда 38 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Комбинат дунёнинг 16 мамлакатига 17 турдан ортиқ махсулот экспорт қилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА УЛКАН ЛОЙИХАГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ



Бошланиши 1-бетда

Ушбу улкан лойиҳа 2024 йилда ишга туширилиши, жами 6 мингта иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган.

Олмалик кон-металлургия комбинатининг бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. — Барчангизни бугунги кундан бошлаб — Олмалик кон-металлургия комбинатининг янги мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланаётгани билан чин қалбимдан табриклайман, — деди Президент Шавкат Мирзиёев. — Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида эзгу ниятлар билан мана шундай улкан лойиҳани амалга оширишга киришмоқдамиз. Бу муҳим воқеа нафақат ушбу комбинат ҳаётида, балки мамлакатимиз санвати тарихида янги давр бошланаётганидан яққол далolat беради.

Кейинги йилларда комбинат фаолияти юксак даражага кўтарилиб, мис ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга кўпайгани ва 150 минг тоннага етказилгани таъкидланди.

Шу боис, мамлакатимизда рангли ва қimmatбахо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

“Ёшлик-1” кони негизда қурилаётган 3-мис бойитиш фабрикаси шу борадаги улкан қадамлардан бирidir. Қиймати 2 миллиард доллар бўлган ушбу корхона биринчи босқичда йилига 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконини беради.

Иккинчи босқичда қувват 160 миллион тоннага етати бугунги кўрсаткичдан 3 баробарга кўпаяди. Ушбу икки босқич амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилига 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Шу тариқа Олмалик комбинати тоғ-кон металлургияси соҳасида дунёдаги энг йирик санат мажмуаларидан бирига айланади.

— Келгусида комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартадан зиёд бўлиб, унинг қиймати ҳозирги 2,5 миллиард доллардан қарийб 8 миллиард долларга етати. 11 мингта янги, юқори технологик ишчи ўринлари яратилади.

Бу эса ёш йилгит-қизларимиз учун геолог, муҳандис, технолог, лойиҳачи, дастурчи ва бошқа замонавий касб-хунарларни эгаллаш имконини беради.

Бу улугвор режалар — том маънода инқилобий қадам, десак, тўғри бўлади, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари рангли металллар санатини ривожлантиришга қаратилган режаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Келгуси йилдан геология-қидирув ишларида тўлиқ халқаро JORC стандартларига ўтилади. Яқин 5 йилда барча лойиҳалар ҳисобидан руда қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажми мамлакатимиз бўйича йиллик 130 миллион тоннадан 300 миллион тоннага ортади.

Ҳозирги кунда юртимизда конларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш бўйича Канада, Франция, Япония, Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатлар компаниялари иш олиб бормоқда.

Президентимиз чет эллик инвесторлар учун имкониятлар янада кенгайтирилишини таъкидлади.

Хусусан, мис ва олтин бўйича қазилма бойликларга солиқ ставкаларини 10 фоиздан 7

фоизга, табиий газ ва нефть бўйича 10 фоизга, уран бўйича 8 фоизга, вольфрам бўйича 10 фоиздан 2,7 фоизга тушириш режалаштирилган. Бундай имтиёзлар инвесторларда албатта катта қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Тошкентда геология фанлари бўйича Италиянинг Пиза университети филиали очилади.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путиннинг қарорини амалга ошириш мақсадида “Газпромбанк” янги Ўзбекистонни шакллантириш дастурини фаол қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги кунга келиб, “Газпромбанк” томонидан Ўзбекистон корхоналари ва банкларига ажратилган маблағлар қарийб 2 миллиард долларни ташкил этади. Биз молиялаштиришга тайёр бўлган келгуси лойиҳалар портфелида ушбу маблағ қарийб 5 миллиард АҚШ долларига тенг. Бу маблағларнинг асосий қисми Олмалик кон-металлургия комбинатининг инвестициявий лойиҳаларига йўналтирилади. Мазкур лойиҳа мамлакатларимизнинг самарали, ўзаро манфаатли ва тенг шериклигининг яна бир яққол мисолидир, — деди “Газпромбанк” бошқаруви раисининг ўринбосари Алексей Матвеев.

— Компаниямиз дунёнинг турли мамлакатларида фаолият олиб боради. Очиғини тан олиб айтишим керак, ҳали ҳеч қайси давлатда бундай қўламдаги ва минералларга бой захиралар очилмаган, — деди “SRK Consulting” компаниясининг Марказий Осиё бўйича директори Майк Бир. — Ҳозирги кунда электр техникаси санати жадал ривожланмоқда, табиийки жаҳон бозорига мисга бўлган эҳтиёж янада кучаяди. Шу боис, Ўзбекистоннинг мис ишлаб чиқариш бўйича узққни кўзлаган ташаббуси таҳсинга лойиқ. Ушбу конда 19,9 миллиард тоннага тенг руда бор. Бундан ташқари, катта миқдорда мис ва олтин захиралари мавжуд. Мен Ўзбекистон халқини дунёдаги энг йирик мис ва олтин конида ушбу янги лойиҳа ишга туширилаётгани билан табриклайман.

Президент Шавкат Мирзиёев 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйди.

Маросимда сўзга чиққан геолог ва металлургрлар, нурунийлар кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли

ўзгаришлар кон-металлургия санатида эриштирилган ютуқларда ўз ифодасини топаётганини таъкидлади. Жумладан, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатларининг техник ва технологик, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги юксалишлари давлатимизнинг амалий ёрдами билан чамбарчас боғлиқ экани қайд этилди. 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан “Ёшлик” конида бошланган катта ишлар ушбу ҳудуддаги ноёб бойликларни ўзлаштириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Олмалик кон-металлургия комбинатининг 3-мис бойитиш фабрикаси қурувчилари учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Корхона яқинида 3 минг кишига мўлжалланган ётоқ мажмуаси барпо этилган. Ишчиларнинг яшати, дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

Президент бу ерда ётоқ ўринларини кўпайтириш, бундай илҳам, шинам мажмуаларни бошқа заводларда ҳам ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Олмалик шахридаги “Jurabek laboratories” қўшма корхонаси фаолиятини кўздан кечирди.

Корхона 48 миллион флакон инфузион эритмалар, 480 миллион дона ампула, 60 миллион дона куруқ антибиотиклар, 20 миллион дона лиофилизация қилинган дори шакллари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу ерда GLP лабораторияси мавжуд, халқаро GMP стандарти жорий этилган.

Корхона томонидан 300 турдан ортиқ дори воситалари давлат рўйхатидан ўтказилган. 15 дан ортиқ хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Бугунги пандемия даврида жуда муҳим бўлган ремдесивир, фавипиравир, гепарин, энксапарин каби дорилар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Биотехнологиялар соҳасида моноклонал антитаначалар туридоги дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича 30 миллион долларлик янги лойиҳага киришилган.

Корхонада коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ “ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

шахсларнинг юзи бўйича аниқлаш технологиясини жорий этишни;

қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб автоном ичимлик шўр сувни тузислантириш технологиясини ишлаб чиқишни таъминлашни;

г) Оролбўйи минтақасида иқтисодий ва молиявий инновацион механизмлардан кенг фойдаланиш, иқтисодий тармоқларида ресурсларни тежовчи, “яшил” ва циркуляр (чиқиндир, регенератив ва самарали) замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш (масъул — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги).

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Воитов:

Қорақалпоғистон Республикасида 2,5 минг гектар майдонда пахта, галла, кунжут, маккажўхори ва чорва озуқаси экинларини сўғоришда ёмғирлатиб сўғориш тизимини жорий этсин; синов лабораторияларини модернизация қилсин (озик-овқат, қишлоқ хўжалиги, электротехника, энгил санат) ҳамда намуналарни лабораторияга етказиш бўйича логистика хизмати йўлга қўйсин;

д) Оролбўйи минтақасида илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, интеллектуал мулк объектларининг яратилиши ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни жорий қилишда маҳаллий ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш (масъул — Инновацион ривожланиш вазирлиги);

Инновацион ривожланиш вазири И.Абдураҳмонов:

Қорақалпоғистон экологик харитасини яратиш ва шу асосида экотуризмни самарали ташкил этиш механизминини ишлаб чиқсин;

шўрланган tupроқлар балл биотехникани аниқлаш мақсадида олий таълим муассасалараро комплекс биокимёвий таҳлил марказини ташкил этсин;

е) махсус резолюция ва мазкур қарорда

белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш (масъул — Ташқи ишлар вазирлиги).

Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ф.Фозилов:

ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасига ресурсларни мобилизация қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашсин;

Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалалар тўғрисида видеороликлар ишлаб чиқсин ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирсин;

ж) Оролбўйи минтақасида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ва мувофиқлаштириш (масъул — Молия вазирлиги).

Молия вазири Т.Ишметов:

Давлат бюджетининг 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун тасдиқланадиган харажатлар параметрларида мазкур қарор билан тасдиқланаётган “Йўл харитаси” ва инновацион лойиҳалар рўйхатида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Тошкент шаҳридаги йирик тадбиркорлик субъектларига Қорақалпоғистон Республикасида экологик инновациялар ва технологияларни татбиқ қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатсин. 3. Қўйидагилар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича устувор инновацион лойиҳалар рўйхати (кейинги ўринларда — инновацион лойиҳалар) 2-иловага мувофиқ;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш бўйича Идоралараро комиссия таркиби (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия) 3-иловага мувофиқ;

“Йўл харитаси” ва инновацион лойиҳаларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, мониторинги ҳамда назоратини амалга ошириш учун идоралараро ишчи гуруҳлари (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлари) таркиблари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қўйидагилар Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин: мазкур қарор ҳамда махсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар ижросининг амалга оширилишини ташкил қилиш, масъул ижрочиларнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;

ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини мазкур қарор ҳамда махсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ижросини амалга ошириш учун жалб қилишда кўмаклашиш;

мазкур қарор ҳамда махсус резолюцияда белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳамда натижалари тўғрисида жаҳон ҳамжамияти ва жамоатчилик хабардорлигини ошириш ишларини ташкиллаштириш;

ишчи гуруҳлари фаолиятини самарали му-

вофиқлаштириш, уларнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш ва улар олдидаги аниқ вазифаларни белгилаш.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасида экологик инновациялар ва технологияларни татбиқ қилишга қаратилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида амалий кўмак берсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (Ф.Фозилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов, Б.Абидов), Оролбўйи халқаро инновация маркази (Н.Мирзамуратов) 2021 йил ноябрь ойида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудида айлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференцияни ташкил қилиш ва ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) Ташқи ишлар вазирлиги (Ф.Фозилов) ва Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда:

вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини жалб қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда кўмаклашсин;

икки ой мuddатда “Оролбўйи минтақаси — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” концепцияси ҳамда “Оролбўйи мин-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 29 июль

30 ИЮЛЬ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ



Оқил САЛИМОВ, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси раиси, техника фанлари доктори, академик

Бошланиши 1-бетда

Конституциямизда Ўзбекистон ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элларнинг тили, урф-одати ва аънаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди. Мазкур кўмита ўз фаолияти доирасида жамиятда миллатлараро тутувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил ҳамда самарали амалга ошириб, 150 та миллий маданий марказ билан ҳамкорлик қилмоқда.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш мақсадида 2019 йилнинг 15 ноябрда давлатимиз раҳбарининг "Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди. Ушбу соҳада давлат сиёсати амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтириш мақсадида парламент ва жамоат назорати механизми ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, кўмита ҳузурида миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги қарорига мувофиқ жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ёшларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, шаън

ва қадр-қиммат, фуқаролик масъулияти, шунингдек, турли тиллардаги китобхонлар ўртасида, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданияти ҳис-туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган танловлар ўтказилиб келинмоқда.

Яна бир гап. Ўзбекистонда барча миллатларнинг ўз она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини ошириш мақсадида таълим қардош тилларда олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактабларидаги ҳолат ўрганиб чиқилди. Натижада тайёрланган таълим 7 та қардош тилда олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактабларини бадиий адабиётлар билан таъминлаш ва китобхонликни тарғиб қилиш тўғрисидаги тақлифлар асосида ҳамижрочилар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчионалари, консуллик муассасалари ва ўзбек миллий маданий марказларини ҳамда таълим қардош тилларда олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактабларини бадиий адабиётлар билан таъминлаш ва китобхонликни тарғиб қилиш тўғрисида"ги фармойиши лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу тўғрисида республикамизда фаолият юритаётган 38 та дўстлик жамияти "халқ дипломатияси" механизмидан фаол фойдаланган ҳолда, чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйган. Хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, шу жумладан, ижтимоий тадқиқотлар, шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг мониторингини олиб борилапти.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси томонидан миллатлараро муносабатлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, илмий мақолалар, китоблар, илмий-тадқиқот материаллари, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрлаш мақсадида соҳага оид қатор китоб ва илмий мақолалар нашр қилинганлиги ҳам таъкидланган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Президент фармонида Илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Шу муносабат билан 2020 йил 29 октябрда Президентимизнинг, "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур фармон иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сифатда ривожлантириш мақсадида илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Кўмитанинг тақлифи асосида юртимизда фаолият юритаётган олий таълим му-

ассасаларида бакалавриятнинг антропология ва этнология таълим йўналиши ва тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳозирда 2020-2021 ўқув йилида 80 нафарга яқин талаба, магистр ва таянч докторантурада таҳсил олмақда.

Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технология ривожлантириш ва, энг асосийси, кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. 2020 йил май ойида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетидеги "Амалий этнология" лабораторияси ҳамда жорий йилда эса университетнинг тарих факультетидеги "Антропология ва этнология" кафедраси ташкил этилди.

Бу ҳаракатлар самараси ўлароқ, мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар масалаларини таҳлил қилиш, этник низоларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини камайитиришга эришиш вазифаларини бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун қатор масалалар кўзда тутилган.

Кўмита миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишда хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар ҳамда мутахассислар иштирокида соҳада илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари, маърузалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда ҳам жонбозлик кўрсатяпти.

Айни пайтда қўллаб-қувватлаш ватандошларимиз иқтисодиётимиз, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани — Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг таъки дунё билан муносабатларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Президентимиз томонидан имзоланган "Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун билан Ўзбекистонда 30 июль — Халқлар дўстлиги кунини эътибор билан белгиланди. Мамлакатда миллатлараро тутувлик ва ягона катта оила муҳити туйғусини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг миллатлараро тутувлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги обрўсини кенг тарғиб қилиш ва дунё ҳамжамияти олдидagi ижобий имижини ошириш мақсадида юртимизда ушбу санага бағишлаб "Дўстлик" ҳафталиги ва "Дўстлик" халқлар форум-фестивалини ташкил этиш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июндаги "Халқлар дўстлиги" кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги қарори миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантиришнинг муҳим асосидир.

Бу борада ҳам кўмита ўзининг саъй-ҳаракатлари билан жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Мазкур қарорга қўра, ушбу кўрак нишонини билан юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида миллатлараро дўстлик ва тутувлик муҳитининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти самардорлигини ошириш борасида фидокорона меҳнат қилган, шунингдек, хорижий мамлакатлар халқлари



билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришда самарали натижаларга эришган маҳаллий ва хорижий давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет элдаги ватандошлар тақдирланади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ҳудудларда маданият, санъат, таълим йўналишларини такомиллаштиришга оид қўллаб-қувватлаш қарорлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ташкил этилган эди. Бугун бу жамғарма фаолиятдан барча мамнун.

Яқинда мазкур жамғарма томонидан чоп этилган "Дўстлик хаммаси" китоби — Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек, қozoқ, туркман, қирғиз ва тожик халқларининг буюк мутафаккирлари — Алишер Навоий, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматов, Абдураҳмон Жомий, Махтумқулининг таржimai холи ва ижод йўли ҳақида маълумотлар, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар биринчи марта икки тилда — аслиятда ва ўзбек тилида нашр этилди.

Ушбу мажмуанинг "Дўстлик хаммаси" деб номланишида қучур маъно бор. У Марказий Осиё халқларининг умумий илдирга эга ҳамсачилик аънаналарининг давомийлиги намунаси. Ҳозирги даврда халқлар, миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим шарт-шароити биди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Марказий Осиёда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо

хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади".

Ишончимиз комилки, мана шундай гоёларни ўзида мужассамлаштирган ушбу китоб Марказий Осиё халқларининг азалий ва абадий дўстлиги, маънавий-руҳий яқинлиги ва муштараклигининг рамзи сифатида минтақада аҳиллик ва ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатдаги ёшларни аниқ фанлар, рақамли технологиялар ҳамда робототехника соҳасидаги интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирлар ташкил этиш инновацион ва илмий фаолиятни шакллантириш чоралари кўрилмақда.

Давлатни инновацион асосда ривожлантириш, бу соҳага масъул бўлган идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компаниялар ўртасида ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳам энг зарур йўналишлардан ҳисобланади. Айниқса, туризмин ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар, маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамлиги ҳам халқларни янада яқинлаштиришини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунда мамлакатда турли миллатга мансуб фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг миллий ўзлигини англаши ҳамда этник қадриятларини сақлаб қолишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик, энг аввало, бой тарихий-маънавий мерос, миллий қадрият, урф-одат ва аънаналар асосида миллий ўзлигини англаган, миллий гуруҳ-ифтихор юксалган, умуминсоний қадриятлар, замонавий технологиялар, илм-фан ютуқлари асосида дунёқараши шаклланган баркамол авлодни тарбиялашни кўзда тутди.

Жамиятда миллатлараро тутувлиқни кучайтириш бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш гарови эканлигини яна бир қарра исботлайди. Ўзбекистонда кейинги йилларда миллатлараро муносабатлар масаласига катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Қолаверса, бугунги кунда хорижий экспертлар Ўзбекистонда кучли давлат тизими шаклланишини мамнуният билан таъкидламоқда.

Акбар МАҲМУДОВ, Самарқанд вилояти Тожик ва Тожикистон миллий маданий маркази раҳбари

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙНИНГ

Ўзбек ва тожик халқлари азадан бир-бири билан дўсту биродар, ёндош-жондош бўлиб яшаб келадиган, урф-одати, дини, мазаҳиби, тарихий илдири, тўй-азаси бир халқ, тиллари кўп жиҳатдан ҳамоханг, бир-бирини тўлдирувчи, қўллаб-қувватловчи эллар саналади.

Жуда кўп сўз ва атамалар, жумладан, ватан, диёр, дилбар, офтоб, нур, мухаббат, садоқат, шараф, ҳалол, ор-номус, табиат, ҳаё ва бошқа қўллаб табаруқ тушунчалар ўзбек ва тожик тилларида бир хил янграйдиган, қадрланади.

Таомларимизда ҳам ўхшаш жиҳатлар бисёр. Уй-жой қуриш архитектураси, яёни айвон, даҳлиз, тоқча, тахмон, пойгак, дарвозахона, меҳмонхона, дастурхон сингари атамалардаги мазмун-маъно турмуш тарзимиздаги яқинлиқдан далолат эмасми?

Ота-онани эъзозлаш, опа-сингил, ака-ука, фарзанд-неварага эътиборнинг жуда нозик қирралари, барҳаёт маънавий ришталар ўзаро муштарак аънаналаримизни намоён этиб туради.

Умуман олганда, ўзбек ва тожик халқлари бир даврани икки соҳили, бир рубойининг икки байтидек ажралмас, аяллат ва уйғундир.

Халқларимиз ўртасидаги бу азалий алоқалар, ҳамкорлик ва барқарор маънавий муҳит, айниқса, кейинги тўрт-беш йилда мутлақо янги босқичга кўтарилди, янгича шакл ва мазмун касб этди.



Бу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига икки марта расмий ташрифи маънавий муҳит, айниқса, кейинги тўрт-беш йилда мутлақо янги босқичга кўтарилди, янгича шакл ва мазмун касб этди. Мазкур ташрифлар

самараси ўлароқ, давлатлараро сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамкорлик дастурлари мисли кўрилмаган миқёс ва ҳажмда амалга оширилмоқда.

Чегараларнинг очилиши, виза режими бекор қилиниши тўғрисида

икки мамлакат халқи учун эмин-эркин, тинч-тотув, бахтли ва фаровон яшаш, борди-келди, куда-андачилик ришталарини янада мустаҳкамлаш имконияти кенгайди. Жумладан, Самарқанд вилояти Тожик ва тожикзабон миллий маданий маркази ушбу имкониятлардан кенг фойдаланиб, ўзаро дўстлик, инсонпарварлик, миллий ва умумбашарий аънаналарни мустаҳкамлаш, адабий алоқаларни кенгайтириш, икки миллат ижодкорлари асарларини китоб шаклида нашр этиш ҳамда кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, шу кунга қадар нашр этилган "Саодати дўсти", "Айнийшунослик Самарқандда", "Си гуфтор аз си тор", "Армуғон", "Субҳ ба хайр" номли шеър-публицистик китоблар ўз мухлисларини топди.

Таниқли адабиётшунос олим Холиқ Мирзоода, Сади Саъдиев, адиблардан Ҳабиб Юсуфий, Абдусалом Деҳотий, Лойиқ Шерали, Мирзо Турсунзода, Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов ва бошқаларнинг хотира ва ижодий кечалари уюштирилди.

Қувончларимиз, бу йил 21 март кунини

Самарқанд аҳли учун қўшалоқ байрам бўлди. Наврўз тантаналари доирасида муҳташам "Дўстлик уйи" биноси фойдаланишга топширилган биз, 11 та миллий маданий марказ учун унутилмас воқеа, бебаҳо туҳфа бўлди. Барчамиз бу ташаббус ва эътиборни давлатимиз раҳбари томонидан умрбоқий дўстликка қўйилган маънавий ҳайкал сифатида қабул қилдик.

Ўтган йилги Ўзбекистон томонидан Тожикистоннинг Хўжанд ва Регар шаҳарларида қурилган олий таълим муассасаси филиали ва мактаб биналари ўз талаба-ўқувчиларини бағрига олган бўлса, бу йил Самарқанд вилоятининг Ургут туманида Тожикистон Республикасига томонидан бунёд этилган, барча шарт-шароит ва қўлайликларга эга таълим муассасаси ишга туширилди.

30 июлнинг юртимизда биринчи мартада Халқлар дўстлиги кунини сифатида байрам қилиниши ҳам миллий маданий марказларни келгусида янада баланд руҳ ва жўшқин фаолият юритишга ундайди.

Марказнинг йиллик режасидаги маънавий-маърифий тадбирлар қаторидан ўзбек адабиётининг бир қатор сара намуналарини тожик тилига таржима қилиш ва нашр этиш ҳам ўрин олган. Уйлаймизки, бу хайрли иш адабий алоқаларимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ОЛМАЛИК:
ҲАР КУНИ БИР ЯНГИЛИК, ҲАР КУНИ
БИР ЯХШИЛИК

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари
доктори, Республика
Маънавият ва маърифат
маркази раҳбарининг
биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Биз Янги Ўзбекистонни дунёга
танитамиз

Жасур Ирсалиев Олмалик кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводида ишлабди. У 2016 йилда Навоий давлат кончилик институтини тамомлаб, заводнинг эмалланган сими ишлаб чиқариш цехида эмалланмаган мис симлари бўлимига ишга жойлашди. Бу янги бўлим хориждан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бу эса маҳсулотларнинг хари-дорлиги бўлишига хизмат қилмоқда.

Халқаро экспертлар фикрича, электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга бўлган талаб 40 фоиз ошиши кутилмоқда. Шу боис, жорий йил июнь ойида Президентимизнинг мис саноати кластерини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда мис хомашёсини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни қайта ишлашдан тортиб, соҳа учун кадрлар тайёрлашга бўлган масалаларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб утилган.

Цехимизда мисдан турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарса бўлади. Биз, цех ёшлари янги гоғлар устида ишлаяпмиз. Масалан, жаҳон тажрибасини ўрганиб, тўртбурчакли мис сими ишлаб чиқариш тақлифини илгари сурдик. Ҳозир ҳар йили электр ўтказмайдиغان қопламали тўғри бурчакли минг тонна мис сими ишлаб чиқаряпмиз. Мис катанкасини ҳам хомашё сифатида четдан олиб келардик. Энди ўзимизда йилига кислородсиз 6 минг тонна мис катанкасини ишлаб чиқариш йўллари изляяпмиз.

Натижада тайёр маҳсулотларимиз сифатли ва арзон бўлади. Биз бу билан тўхтамаймиз. Ҳозир заводда ишлаб чиқарилаётган миснинг деярли 60 фоизи хомашё сифатида сотилмоқда. Энди кўпроқ тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган цехларни барпо қилишни режалаштиряпмиз. Бу, энг аввало, ҳозирги олинган даромаднинг бир неча бор кўпайишига хизмат қилади. Шу билан бирга, янги иш ўринлари ҳам очилади, бизга ўхшаган минглаб ёшлар иш билан таъминланади. Биз янги Ўзбекистонни дунёга танитамиз.

Сарвар Абдуҷалилов кончилар сулоласи вакили. Тақдир тўғрисида бўлса керак, унинг отаси комбинатга 1979 йили, Олмалик КМКнинг 30 йиллик юбилейида ишга кирган. Орадан 30 йил ўтиб, комбинатнинг 60 йиллигида Сарвар ишга кирди. Унинг ораси — ўғли Аҳёржонни комбинатнинг 80 йиллигида кончилар сулоласига қўшиш.

Сарвар 2005 йили Навоий давлат кончилик институтига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан битирди. Бугунги кунда Ковулди шахтасида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича биринчи тоифали кон муҳандиси бўлиб ишламоқда.

Президентимизнинг 2017 йилда Олмалик шахрига ташрифи мени энг бахтиёр ёшлардан бирига айлантирди, — дейди у. — Сабаби, уша ташрифдан сўнг комбинатда ишлаётган ва фуқаролиги йўқ шахсларга фуқаролик бериш тўғрисида қарор чиқарилди. Мана шу қарор тўғрисида 142 нафар комбинат ишчиси қаторида мен ҳам Ўзбекистон фуқароси бўлдим. Ишонасизми, отам бу кунларни 27 йил кутган эди. У кўпга қийинчиликларга дуч келди. Шаҳардан ташқарига

чиқишга қийналарди, чиқса турли маш-машалар кутарди.

Фуқаролик олганимиз оиламизга катта қувонч олиб келди. Бугун биз учун барча имкониятлар эшиги очилди. Бунинг сабабчиси — Президентимиз. Ота-онам ҳар куни давлатимиз раҳбарини дуо қилади. Мен саноат соҳасида ишласам-да, шеърлар ёзиб тураман. Истагим, янги Ўзбекистоннинг фуқароси сифатида умримнинг охиригача Ватаним равнақига садоқат билан хизмат қилиш...

Ёшлар комбинати

Хусниддин Баҳодиров комбинатнинг мис эритиш заводида конструктор лавозимига ишлабди. Янги Ўзбекистоннинг янги авлоди вакили. Бундай дейишимизга сабаб, у кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар тўғрисида комбинатда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланди. 2015 йили Москва миллий технологик тадқиқотлар университети-га ўқишга кирди. Талабалик йилларида комбинат уни ташлаб қўйгани йўқ, 4 йил давомида унга комбинат томонидан стипендия, ётоқхона, контракт ва йўлқира пуллари тўла тўла борилди.

Уқушни тамомлаб заводга ишга келдим. Қарасам, комбинатимизда тайёр маҳсулот жуда кам ишлаб чиқарилаётган экан. Ушанда мен қачон бизда ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш экан, қачон биз тайёр маҳсулот экспорт қиларканмиз, деган орзуда эдим. Шу йилнинг 24 июни кунини Президентимизнинг кон-металлургия саноатини ривожлантиришга бағишланган қарори чиқди. Унда иқтисодиётнинг драйвери сифатида мис саноати кластерининг ташкил этилиши белгилангани менда янги гоғлар, янги режаларга йўл очди. Бу қарор тайёр



маҳсулот ишлаб чиқариш ва турларини кўпайтириш, минглаб янги иш ўринларини яратишга асос бўлади. Мен ўзимга мис саноати кластери бизга нима беради, деган савол бериб, мана бу жавобларни топдим.

Биринчидан, ҳозирги кунда ташқаридан импорт бўлиб кириб келаётган машиини техника — кир ювиш машиналари, газ плиталари, музлаткичларда ишлатиладиган тайёр мис маҳсулотларини йилига 3,2 миллиард долларга сотиб оляпмиз. Агар шу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқар-сак, шунча долларни тежаб қоламиз.

Иккинчидан, мана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун четдан инвесторларни жалб қилишимиз, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт қилишимиз мумкин. Бу миллиард-миллиардлаб доллар даромад, дегани.

Учинчидан, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишчи кучи керак бўлади. Бу янги иш ўринлари очилди ва аҳоли доимий иш билан таъминланади, дегани.

Тўртинчидан эса камбағаллик қисқа-ради.

Хуллас, бу рўйхатни узок давом эттиришим мумкин. Чунки дунёда қайси соҳа бўлмасин, у мис саноатига узвий боғлиқ. Биз ёшлар мис саноати кластерини давлатимиз раҳбари қарори талаблари даражасида ривожлантиришга тайёрмиз.

Олмалик комбинати — ёшлар комбинати. Ҳозирги кунда комбинатимизнинг 21 минг ишчи-ходими ёшлардан иборат. Буни мен ёшларга бўлган эътибор, имко-ният, умид деб биламан.

Бизда Томскдагидан ҳам зўр

Шаҳзод Иўлдошев Олмалик кон-металлургия комбинатига мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлабди.

— Республикаимиз рангли-металлургия саноати байроқдори бўлган комбинатда ишлаб болалиқдан орзум эди. Шу мақсади-га етайин, деб коллежда фойдалани

қазилмаларни бойитиш йўналишида ўқидим. 2011 йилда мис бойитиш фабрикасида тегирмон машинисти бўлиб иш бошладим. Ўзимдан коникмадим. Олий малакали мутахассис бўлай деб Томск политехника университетининг машинасозлик факультетида таълим олдим. Томск машинасозлик заводида амалиёт ўтадим. Тўғриси, уша пайтда у ердаги автоматлаштирилган технологияларни кўриб жудаям ҳавас қилардим.

Президентимизнинг Олмалик кон-металлургия комбинати ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича 2018 йил 30 сентябрдаги қабул қилган қарори мен каби кўпгаб ёш мутахассисларнинг орзуларини рўёбга чиқарди. Мана, бугунга келиб фабрикадаги майдонлаш, қуришга ва саралаш ускуналари замонавийлари-га алмаштирилди. Натижада янчиш жараёнига етказиб берилаётган руданинг ўлчами 55-60 мм.дан 15-20 мм.га кичрай-ди, мисни ажратиб олиш кўрсаткичи 74 фоиздан 85 фоизга етди. Мис ишлаб чиқариш кўрсаткичи 93 минг 500 тонна-дан 107 минг тоннага кўтарилди. Йиллик даромад 132 миллион долларга ошди. Тўғриси, бугун корхонамиздаги энг замонавий технологиялар олдида мен бир пайтлар ҳавас қилган Томск машинасоз-лик заводидаги жиҳозлар ҳеч нарса бўл-май қолди. Корхона ишчиларининг ишга муносабати бутунлай ўзгарди. Янгиликка интилиш, фидойилик билан ишлаш ҳис-си кучайди. 2017 йилда 3 миллион сўм атрофида ойлик олган бўлсам, бугун 10 миллион сўмдан зиёд.

Яқин уч йил ичида Президентимиз-нинг қарори билан корхонамиздаги 300 га яқин ёш оилага имтиёзли уйлар топ-ширилди. Бир умр комбинатда ишлаб келаётган отамнинг айтишича, комбинат тарихида бунақаси бўлмаган. Ёш кадр-

Хорижда салкам ўн йил ишлаб, тажри-ба тўпладим. Россия, Украина, Қозоғис-тон, Беларусь каби МДҲ давлатлари ҳамда Европанинг қатор мамлакатлари лойиҳаларида иштирок этдим. Бу лойиҳаларнинг қиймати кўпи билан 400 миллион долларни ташкил қиларди. Олмаликда Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган 3-мис бойитиш фаб-рикаси бугунги кунда дунёдаги энг йирик лойиҳа бўлиб, унинг қиймати 2 миллиард долларни ташкил қилмоқда. Бу ҳазила-кам иш эмас. Ҳамма давлат ҳам бундай улкан лойиҳани амалга оширишга жазм қилавермайди. Бу янги Ўзбекистон бугун қандай қудратли давлатга айланганининг исботидир.

Ҳозир Европа ва МДҲдаги энг йирик мис бойитиш корхонаси бўлган Томск тоғ-кон бойитиш комплекси бир йилда 45 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга. Биз эса йилига 60 мил-лион тонна рудани қайта ишлаш оламиз. Шунинг учун комбинатимиз келажагига дунёдаги йирик хорижий инвесторлар катта қизиқиш билдирапти. Айниқса, Президентимизнинг комбинат истиқбо-лига қаратилган қарори ва ана шу қарор билан Буюк Британиянинг энг нуфузли SRK Consulting компаниясининг мис за-хираларини аниқлаш бўйича хулосалари асосида комбинатимизга қизиқиш янада кучайиб кетди. Ҳозир кўпгаб хорижий инвесторлар ҳатто давлат кафолати-сиз инвестиция қилишга тайёрлигини билдирмоқда. Бу, энг аввало, йирик ин-весторларнинг юртимизда амалга оши-рилаётган ислохотлар, уларнинг келажа-гига бўлган ишончи қанчалар катталигини тасдиқлаб турибди.

Олмалик кон-металлургия комби-натига янги қурилишлар — асп лойиҳаси. Мен мана шундай улкан лойиҳани амалга оширишда ўз билимим, хорижда тўплаган тажрибам билан иштирок этаётганимдан фахрланаман. Чунки Президентимиз мен ва менга ўх-шаб хорижда ишлаб юрган юзлаб мута-хассисларга Ватанга хизмат қилиш энг олий саодат эканини тушунтирди. Мен бор билимим ва тажрибамни юртимиз саноати ривожига сарфлаётганимдан беҳад хурсандман.

Болалиқдаги орзум ушалди

Янги Ўзбекистонда ҳар куни бир янги-лик, ҳар куни бир яхшилик. Ана шулардан бири Олмалик шахрида Президентимиз ташаббуси билан Россия миллий тех-нологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг филиали очилганидир. Шоҳиста Холмуқолова ана шу универси-тетнинг 4-босқич талабаси:

— Болалигимдан компютерлашти-риш, робототехникага қизиққанман. Кейинчилик кончилик соҳасига қи-зиқиб қолдим. Менинг интилишлари-мни кўрган ақилларим: "Қиз болага мосроқ касбни танласанг бўлмайди-ми? Қиз бола бошинг билан узоклар-да ўқисанг, қийналиб қолсан-ку", де-йишди. Менга эса Россиянинг машҳур Миллий технологик тадқиқотлар уни-верситети автоматлаштириш йўнали-шига кириб ўқиш орзуси тинчлик бер-мас эди. Кўп ҳаракат қилдим. Лекин ота-онам Москвада ўқишимга рухсат бермади. Бахтимга лицейни битира-ётган йилим Президентимизнинг қар-ори билан Олмаликда "МИСиС"нинг филиали очилди. Шу боис, Тошкент-дан тўғри Олмаликка келиб, ҳуж-жатларимни топширдим. Мен янги Ўзбекистоннинг миллионлаб бахтли қизларидан бириман. Чунки ушал-масдек туюлган орзум рўёбга чиқди. Ўзим хоҳлаган университетнинг тала-баси бўлдим.

Ўқиш жараёнида шу соҳани танлаб тўғри қилганимга яна бир қарра амин бўлдим. Бизга россиялик олимлар бил-лан бирга ўзимизнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилар, мутахассислар дарс беришмоқда. Энг муҳими, барча дарсларимиз амалиёт билан боғланади. Бу бизда, аввало, соҳамизга бўлган қи-зиқишимизни оширапти. Ўқиб, яшашимиз учун барча шароитлар яратиб берилган. Мен тошкентликман. Лекин ўз кела-жамини шу ерда, Олмаликда қуряпман. Олмалик кон-металлургия комбинати — менинг келажагим. Ўз келажагимни шу корхона билан боғладим. Универси-тетимнинг биринчи қадирғоч битирув-чиси сифатида ўз фаолиятимни янги мисни бойитиш фабрикасида бошлашга аҳд қилдим. Келажакда ўзимга ўхшаш ёшларни ортимдан етаклаб, бор били-мим билан она Ватанимга садоқат ила хизмат қиламан!

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР
ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИ
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида жорий йил 24 октябрь кунини бўлиб ўтадиган Президент сайловида иштирок этадиган сиёсий партиялар ваколатли вакиллари рўйхатга олинди ва уларга гувоҳномалар (мандат) топширилди.

Сайлов кодексининг 34-модда-сида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод-лар кўрсатган сиёсий партия сай-лов комиссияси мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ваколатли вакил тайин-лашга ҳақли.

Қонунчилигимизга мувофиқ, бу жараён сайлов кампанияси бошлан-гани расман эълон қилинган санадан бошлаб беш кунлик муддатда амал-га оширилди. Бунда сиёсий партия юқори органи раҳбари ўз ваколатли вакилини тайинлайди ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳуж-жатларни тақдим этади. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия томонидан тавсия этилган номзодга тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиб, уч кунлик муддатда уни рўйхатга олади ва белгиланган шаклда ман-дат беради.

Мамлакатимизда Марказий сай-лов комиссияси томонидан Ўзбеки-стон Республикаси Президенти сай-

лови кампанияси эълон қилинган, сиёсий майдонда фаолият юрита-ётган бешта сиёсий партия раҳбари ўз ваколатли вакиллари тайин-лаб, уларни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига му-рожаат этади ва тегишли ҳужжатлар-ни тақдим қилди.

Бу вакилларга тегишли ҳужжат-лар Марказий сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, уларни рўйхатга олиш ҳамда белгиланган шаклдаги гувоҳномани бериш ҳақи-да қарор қабул қилинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармон-лар ҳаракати — Ўзбекистон Либе-рал-демократик партиядан Бахти-ёр Ёқубов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиядан Абдуқамол Раҳмонов, Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партиядан Баҳодиржон Мамат-хонов, Ўзбекистон Халқ демокра-тик партиядан Улғубек Вафоев, Ўзбекистон Экологик партиядан Саидрасул Сангинов вако-латли вакил сифатида рўйхатга олинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон"
мухбири

МЕН — ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!

46 ЁШИМДА ИЛК БОР ПРЕЗИДЕНТ
САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРАМАН

Дилором ДЎСМАТОВА,
Хоразм вилояти
Гурлан тумани
"Навбахор" маҳалласи

Инсон қачон ўзини тўқис бахтли ҳис этади? Қандай туйғулар унинг қалбини шарафлантиради? Ватанли бўлиш, ўша Ватандаги ислохотларга ўзини дахлдор сезиш — буюк шараф, беқиёс бахт, деб ўйлайман.

Мен 1975 йили Туркменистон Республикасининг Тошхувоз вилоя-тида туғилганман. Хоразм ва Тошхо-вуз ахли азал-азалдан бир-бирига қариндош-уруғ, ёр-огайни. Бола-лигимнинг энг чиройли хотиралари Хоразмининг Гурлан тумани билан боғлиқ, Мактабларда дарслар тугаб, таътил бошланди дегунча Гурланга — қариндошларимизникига бориш-га шай турардик.

Йиллар ўтиб, тақдирим ҳам айнан шу жой билан боғланди. 1995 йили Гурлан туманининг "Навбахор" маҳалласига келин бў-либ тушдим. Тошхувоздан маҳал-ламизга келин бўлган қизлар кўп. Ота-онамникигача бўлган масофа тахминан 30 километр. Бирок шу масофа, мана, салкам 30 йилки, менга "борса келмас"дек туюлди. Умримнинг шу йилларида катта кемтик ҳосил бўлди.

Ўзбекистонга келгач, хонадонимизга доимий рўйхатга қўйилдим,

лекин фуқаролик берилмади. Ўзбе-кистон фуқароси бўлиш учун қанча ҳаракат қилдим, қанча эшикларга бош урдим — ўзимга аён. Фуқаро-росизлик мени тўй-ҳашам, маъра-калардан айирди, яқинларимнинг ёнида бўлиш масъулияти ва бахти-дан масъул қилди. Айрим ҳолларда туғишган жигарларимнинг, ота-она-мининг дийдорини бориб кўра ол-мадим. "Фуқаролиги бўлмаганлиги учун" важи билан кўпгаб имтиёз-ларини бой бердим. Бу ва бу каби бир қатор чекловлар, тақиқлар ту-фуайли баъзан одамлар орасида қисиниб-қимтиниб яшашга маҳкум эдим. Энг аламлиси, бундан 10 йил аввал оназорим тупроққа қў-йилди. Орадан 4 йил ўтиб жигарим — укам вафот этади. Уларни сўнгги йўлга кузатиш менга армон бўлиб қолди.

Баъзан қўни-қўшни, қариндош-уруғларим фойдаланган имконият-ларга ҳавас билан қарардим. Сай-ловда иштирок этиш шу кунгача орзум бўлиб келди. Мен шундай яшашга қўниқдим.

Бирок ҳаёт бир хил давом этмас экан. Орада ўтган йиллар, ҳодиса-лар мен каби қалби яримларнинг ҳаётига хушхабарлар келтирди. Кўнглимиздаги кемтиклар тўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси бил-лан кейинги йилларда мен каби минглаб юртдошларимиз юксак мақомага эришди — Ўзбекистон фуқароси бўлди. Фуқаролик олган кунимиздан ҳаётимиз дафтарига янги саҳифа очилди, нафас олаёт-ган ҳар бир дақиқамизга ранг кирди, ҳаётимиз жўшқинлашди. Бу янги Ўз-бекистонимизнинг халқчил ислохот-лари самараси эди.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан фуқаролик масалаларига оид қонунчиликнинг тақомиллашти-рилгани ҳаётимдаги тўсиқларни бартараф этади.

Нихоят, 46 ёшимда, умримда илк бор Президент сайловида овоз бераман. Энди менда ҳам сайлаш ҳуқуқи бор! Ҳар гал сайловда ишти-рок этиб келаётган юртдошларимиз учун бу оддий ҳол, бирок мен учун ҳаётимда ўзига хос кун бўлишига, менинг овозим ҳам аҳамиятга эга эканига ишонаман.

